


Рұйсат рақалы 120  
31.07.20 ү

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”  
Акциядорларининг навбатдан ташқари  
Умумий йигилишининг 2020 йил  
10 шаъл даги 44-сонли қарори билан



Акциядорлик тијорат банки  
“Қишлоқ қурилиш банк”нинг  
Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида  
ҳаракат қилиш тартиби түғрисида  
Низом  
(Янги таҳрирда)



Тошкент – 2020 йил

## **МУНДАРИЖА**

- I. Умумий қоидалар**
- II. Манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мүмкін бўлган вазиятлар**
- III. Манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мүмкін бўлган вазиятларни олдини олиш**
- IV. Манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятларни ҳал этиш**
- V. Якуний қоидалар**

ATB "Qishloq qurilish bank"  
ICHKI ME'YORIY HUJJAT

## **АТБ “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК”НИНГ МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ ВАҚТИДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш түғрисида”ги Конуни, Адлия вазирлигидан 2000 йил 5 июлда 943-сон билан рўйхатдан ўтган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув түғрисида”ги, Адлия вазирлигидан 2015 йил 5 августда 2706-сон билан рўйхатдан ўтган “Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар түғрисида”ги Низомлари ва Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Хукумат комиссиясининг 2016 йил 11 февралдаги 02-02/1-187-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу ички меъёрий ҳужжат АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” (кейинги ўринларда Банк деб юритилади) фаолиятида манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келишининг олдини олиш ва низоли вазиятларни бартараф қилиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, Банк тизимида манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартибини белгилайди.

### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **1. Ушбу Низом мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:**

манфаатлар қарама-қаршилиги – банк манфаатлари ва унинг акциядорлари, банкнинг бошқарув органлари таркибига кирувчи шахслар ҳамда банк ходимларининг шахсий манфаатлари ўртасида юзага келадиган ҳар қандай зиддият (бевосита ёки билвосита шахсий манфаатлар ёки учинчи шахслар манфаатини кўзлаш, шунингдек иш юзасидан, дўстона, оиласидан, бошқа алоқа ҳамда муносабатлар, бошқа юридик шахслар фаолиятида иштирок этиш ёки уни бошқариш, шунингдек уларнинг акцияси (улуси)га эгалик қилиш, лавозимини эгаллаш, шартномавий муносабатлар ва бошқа муносабатларга киришиш).

шахсий манфаат – Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига мувофиқ даромад (фойда) сифатида баҳоланадиган пул ёки натура шаклидаги иқтисодий (моддий) наф ёки шахс томонидан моддий наф олинмасада, шахсий мақсадларига эришиш орқали оладиган фойдаси;

имтиёзли битим – умумий тартибда тузилган шартнома шартларига қараганда афзаллик (енгиллик, имтиёз) берадиган битим (келишув);

аффилланган шахслар – Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш түғрисида”ги Конунига асосан банкнинг битим тузишидан манфаатдор бўлган шахслар; *“Qishloq qurilish bank”*

Банкка алоқадор бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти түғрисида”ги Конуни ва Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган “Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар түғрисида”ги Низомга асосан

банкнинг битимлар тузиш хатти-ҳаракатига ўз таъсирини ўтказа оладиган жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек тегишли қарор қабул қилинишига банк томонидан таъсир ўтказилиши мумкин бўлган шахслар;

манфаатли битим – амалга оширилиши натижасида банк Кузатув кенгashi аъзолари, банк Бошқаруви раиси, банк Бошқаруви аъзолари ёки банк акциядорларига манфаат келтирадиган битим, шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик ва кафолат шартномалари;

Банкнинг бошқарув органлари – банк акциядорларининг умумий йиғилиши, банк Кузатув кенгashi ва банк Бошқаруви;

Банкнинг бошқарув органлари таркибига кирувчи шахслар – банк Кузатув кенгashi ва банк Бошқаруви аъзолари;

Банкнинг мансабдор шахслари - банк Кузатув кенгashi ва банк Бошқаруви аъзолари.

**2.** Банкка алоқадор бўлган шахслар билан ёки улар номидан тузадиган битимлар ўзига алоқадор бўлмаган шахслар билан тузадиган битимларга қараганда анча қулай шартларга асосланган бўлса, бундай битимларни тузиш тақиқланади.

Банк фаолиятида аффилланган шахслар билан битим тузиш Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларининг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига асосан амалга оширилади.

**3.** Банк фаолиятида манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлик низоли вазият Банкнинг бошқарув органлари ва (ёки) ходимларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида мижозларининг қонуний ҳукуқ ва манфаатлари бузилишига йўл қўйилган тақдирда банк (унинг бошқарув ва мансабдор шахслари, ходимлари)нинг мулкий ёки бошқа манфаатлари ҳамда кредиторлари, контрагентлари, омонатчилари ва бошқа мижозларининг мулкий ёки бошқа манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар натижасида юзага келиши мумкин.

Бундан ташқари, манфаатлар қарама-қаршилиги банк акциядорларининг ўзаро манфаатлари ўртасида, банкнинг бошқарув органлари ва акциядорлари манфаатлари ўртасида ҳам юзага келиши мумкин.

**4.** Банк ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнida манфаатлар қарама-қаршилигининг қўйидаги кўринишлари юзага келиши мумкин:

банкнинг мажоритар ва миноритар акциядорлари ўртасида;

банкнинг бошқарув органлари ва унинг акциядорлари ўртасида;

банкнинг бошқарув ва мансабдор шахслари, ходимлари ва мижозлари ўртасида;

банк ҳамда ўз хизмат мажбуриятларини бажараётган банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари ўртасида.

**5.** Банк тизимида манфаатлар қарама-қаршилигини бошқариш қўйидаги тамойилларга асосланади:

мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар қарама-қаршилиги тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилишнинг мажбурийлиги;

юзага келган ҳар бир манфаатлар қарама-қаршилиги ва уни ҳал қилиш оқибатида банк обрўйига етказиладиган таваккалчиликларни алоҳида кўриб чиқиш ва баҳолаш;

манфаатлар қарама-қаршилиги ва уни ҳал қилиш тұғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш жараёнининг қатъий махфийлиги;

манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилишда банкнинг Бошқаруви ва назорат органлари ҳамда ходимлари манфаатлари балансига риоя қилиш;

манфаатлар қарама-қаршилиги тұғрисида хабар берган ва манфаатлар қарама-қаршилигини ўз вақтида ошкор қылған шахсларни таъқиб қилишдан ҳимоя қилиш.

## **II. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН БҮЛГАН ВАЗИЯТЛАР**

**6. Банк тизимида манфаатлар қарама-қаршилиги қуйидаги ҳолатларда юзага келиши мүмкін:**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари, Марказий банкнинг меъёрий хужжатлари, банк Устави ва ички (корпоратив) меъёрий хужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

банк Уставида белгиланған тартибда ваколатли банк бошқаруви органларининг дастлабки тасдигидан ўтказилмасдан йирик битимлар ва аффилланған шахслар билан битимлар тузиш;

банкка алоқадор шахслар билан битимларни амалдаги қонун хужжатлари талабларига риоя қилмаган ҳолда тузиш;

бошқарув органлари томонидан банкнинг молиявий ҳолати ёмонлашувига олиб келиши мүмкін бўлган қарорлар қабул қилиниши;

Банк бошқаруви органлари таркибиға киравчи шахслар томонидан бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида эгаллаган лавозими ва бошқа юридик шахсларнинг улуши (акцияси)га эгалик қилиш тұғрисидаги маълумотларни тақдим қилмаслик ёки тұлық тақдим қилмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажариш давомида хабардор бўлган инсайдерлик ёки бошқа (банк ва тижорат сирига оид) маълумотлардан шахсий манфаат олиш мақсадида фойдаланиш;

ўзининг ишбилармонлик имкониятларини банк манфаатларига зид равища бошқа ташкилотларга тақдим этиш;

банкнинг мансабдор шахслари ҳамда уларнинг оила аъзолари томонидан тадбиркорлик фаолиятининг юритилиши;

банк ҳамкорлик қиладиган бошқа ташкилотлардан моддий манфаатдор бўлиш;

иш муомаласи маданияти ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик;

манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низо предмети бўлиши мүмкин бўлган ахборотларни акциядор ва бошқа манфаатдор тарафларга тақдим қилмаслик ҳамда манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келадиган бошқа ҳолатлар.

## **III. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН БҮЛГАН ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

**7. Банк томонидан манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мүмкін бўлган вазиятларнинг олдини олиш акциядорларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя**

қилиш, шунингдек банкнинг мулкий манфаатлари ва обрў-эътиборини ҳимоя қилишнинг энг муҳим чораларидан бири ҳисобланади.

8. Манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш мақсадида, ушбу ҳолатларнинг бевосита иштирокчиси бўлиши мумкин бўлган манфаатдор шахслар аввалдан банкни бу каби низолар юзага келиши эҳтимолидан хабардор қилиши лозим.

9. Манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш мақсадида, банкнинг бошқарув ва назорат органлари ҳамда мансабдор шахслари ва ходимлари қуидагиларга мажбур ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, банк Устави ва бошқа ички (корпоратив) меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ вазиятни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва қарорлар қабул қилишдан тийилиш;

банкнинг самарали бошқарилишини таъминлаш;

банк фаолиятида юзага келадиган таваккалчиликни самарали бошқариш;

банк операциялари ва бошқа битимларни амалга оширишда максимал самараదорликка эришиш;

банк, унинг ходимлари ва мижозларини қонунга зид хатти-ҳаракатларни амалга оширишни олдини олиш, шу жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга жалб қилишга йўл қўймаслик;

Банк операцияларини амалга ошириш, шунингдек банкка алоқадор бўлган шахслар, шунингдек банкнинг аффилланган шахслари, акциядорлари ва уларнинг аффилланган шахслари ҳамда банк инсайдерлари билан битим тузиш жараёнида амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ҳар чоракда бошқарув органига ҳисботлар тақдим этиш;

назорат органи томонидан ўтказиладиган текширувларда йирик битим ва аффилланган шахслар билан шартнома (келишув, битим)лар тузиш шартларини ўрганиш;

банкнинг аффилланган шахслари, акциядорлари ва уларнинг аффилланган шахслари ҳамда банк инсайдерлари тўғрисидаги маълумотлар ҳисобини юритиш;

банкнинг ўрта муддат ва узок муддатдаги даврларида барқарор даромад олишини таъминлаш;

амалдаги қонун ҳужжатларига асосан банк фаолияти тўғрисидаги ахборотларнинг эълон қилинишини таъминлаш;

банк тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбаларда эълон қилинаётган ахборот ва маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилигини таъминлаш. Банк тўғрисида эълон қилинган ҳар бир салбий ва ишончсиз ахборот бўйича ўз вақтида муносабат билдирилишини амалга ошириш;

манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келиши эҳтимоли ёки келиб чиқкан қарама-қаршилик тўғрисида бевосита раҳбар ҳамда банкнинг Корпоратив маслаҳатчисига

хабар бериш;

хизмат вазифаларини бажариш ва иш юзасидан қарор қабул қилаётгандан ўзи, қариндошлари ва бошқа яқинларининг шахсий манфаатларини кўзламаган ҳолда фақатгина банк манфаатларини инобатга олиш;

бошқарув органлари аъзоларини рағбатлантиришни банкнинг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб амалга ошириш;

хисобланган дивидендларни ўз вақтида тўлаш;

мижозлар ва корреспондентлар томонидан банкка ишониб топширилган пул маблағлари ва бошқа қимматликлар бутлигини таъминлаш;

мижознинг эҳтимолий хатоси туфайли ушбу ҳолатдан банк ходимларининг шахсий манфаатларида фойдаланишга йўл кўймаслик. Шундай хатолик юз берганда мижоз топширигини бажаришдан аввал уни, албатта, огоҳлантириш;

банк ва тижорат сирига оид маълумотларни асоссиз ошкор этмаслик, шунингдек уларни тақдим этишда имкон қадар банк ва мижоз манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

мижозлардан банк хизмати ҳақи ва бошқа тўловларни тузилган шартномалар ёки банк тарифига асосан ундириш;

манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ вазиятнинг юзага келишига имконият берадиган бошқа ҳолатлар ва хатти-харакатларнинг олдини олиш.

#### **IV. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

**10.** Манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этиш самарадорлигини ошириш, шунингдек банкнинг бошқарув ва назорат органлари таркибига кирувчи шахслар, банк ходимлари ва таркибий бўлинмалари хатти-харакатини мувофиқлаштириш мақсадида манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ жараён қуидаги босқичларга бўлинади:

манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келишининг олдини олиш: манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ вазият юзага келмаслиги учун зарур чоратадбирларни белгилаш;

манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ вазиятни аниқлаш: манфаатлар қарама-қаршилигини юзага келтириши мумкин бўлган эҳтимолий вазиятларни баҳолаш ва доимий ўрганиб бориш;

манфаатлар қарама-қаршилигини бартараф қилиш: юзага келган манфаатлар қарама-қаршилигини тўлиқ ва тезкор бартараф қилиш учун комплекс тадбирларни амалга ошириш.

**11.** Акциядорлар ўртасида ҳамда банкнинг бошқарув органлари ва акциядорлар ўртасида юзага келган корпоратив қарама-қаршиликни ҳал қилиш учун:

акциядорлар ўртасида юзага келган қарама-қаршиликни ҳал қилиш учун банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси воситачи сифатида иштирок этиши мумкин;

банкнинг ваколатли шахси ёки ваколатли органи акциядорлар ўртасидаги музокараларда иштирок этиши, акциядорларга юзага келган қарама-қаршилик билан боғлиқ бўлган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиши, қонунчилик, банк Устави ва

ички (корпоратив) меъёрий хужжатлар нормаларини тушунтириб бериши мумкин;

банкнинг ваколатли шахси ёки ваколатли органи акциядорларга маслаҳат ва тавсиялар беради, акциядорлар томонидан имзоланадиган қарама-қаршилик ҳал этилиши билан боғлиқ хужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, банк номидан ўз ваколати доирасида акциядорлар олдида қарама-қаршилик ҳал этилишига ёрдам берадиган мажбуриятларни олади.

**12.** Корпоратив қарама-қаршиликлар ҳисобини юритиш Корпоратив маслаҳатчи зиммасига юклатилади. Банк ходими юзага келган манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ вазият тўғрисида ўзининг бевосита раҳбари орқали қарама-қаршилик келиб чиқкан куни низога оид барча хужжат ва маълумотларни илова қилган ҳолда банкнинг Корпоратив маслаҳатчисига (кейинги ўринларда Корпоратив маслаҳатчи деб юритилади) ёзма равища хабар беради.

**13.** Корпоратив маслаҳатчи хабарномаларни келиб тушган куни рақамланган, тикилган ва банк Бошқаруви раисининг тегишли ўринбосари томонидан имзоланган ва банк муҳри билан тасдиқланган алоҳида китобда рўйхатга олади.

**14.** Корпоратив маслаҳатчи юзага келган қарама-қаршилика дастлабки баҳо беради ва қарама-қаршилик билан боғлиқ барча хужжат ва маълумотларни тайёрлаб, банк Бошқаруви раиси билан келишган ҳолда ушбу қарама-қаршиликини кўриб чиқиш ваколатига кирадиган банкнинг таркибий бўлинмасига тақдим қиласи.

**15.** Корпоратив маслаҳатчи банк акциядорлари томонидан кўп маротаба бериладиган савол ва талабларни таҳлил қиласи, ушбу савол ва талаблар бўйича қўшимча маълумотларни барча акциядорларга тақдим этиш зарурияти юзасидан қарор қабул қиласи ёки банк Бошқаруви раисига мазкур мурожаатлар сабабини бартараф қилиш мақсадида банкнинг ички (корпоратив) меъёрий хужжатларига тегишли ўзгартириш киритиш ёхуд бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклиф киригади.

**16.** Манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятни мустақил тарзда олдини олиш ёки ҳал этиш имконияти бўлмагандан банк Бошқаруви раиси юзага келган қарама-қаршилик тўғрисидаги барча маълумотларни банк Кузатув кенгашига тақдим этиши шарт.

Манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал этиш бўйича дастлабки чора-тадбирлар ижобий натижа бермаган тақдирда банк Кузатув кенгаши қошида манфаатлар қарама-қаршилигига оид низоли вазиятларни ҳал этишдан манфаатдор бўлмаган банк Кузатув кенгаши, банк Бошқаруви аъзолари, банк ходимлари ва жалб этилган эксперталар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятни ҳал этиш бўйича Ишчи гуруҳи ташкил этилиши ҳам мумкин.

**17.** Банк, банк Бошқаруви органлари таркибига кирувчи шахслар ва банк ходимлари юзага келган манфаатлар қарама-қаршилигини судгача бўлган тартибда бартараф қилиш учун банк, унинг мижозлари ва Акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олган ҳолда барча чора-тадбирларни амалга оширишга мажбур ҳисобланади.

**18.** Манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда унинг натижаси тўғрисидаги батафсил маълумот ва хужжатлар нусхаси умумлаштирилиши учун Корпоратив маслаҳатчига тақдим этилиши лозим.

Манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Корпоратив маслаҳатчи бир йилда камида бир маротаба юзага келган манфаатлар қарама-қаршилиги ва уни бартараф қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботни банк Кузатув кенгашига тақдим этиб боради.

**19.** Манфаатлар қарама-қаршилиги қандай усулда ҳал этилганлигидан қатъий назар уни ҳал этиш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар банк томонидан низонинг барча тарафларига етказилади.

## V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

**20.** Мазкур Низом, шунингдек унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар банк Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади ва шу кундан бошлаб кучга киради.

**21.** Ушбу Низомда акс этмаган масалалар банк Устави, ички меъёрий хужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатларига асосан тартибга солинади.

**22.** Ушбу Низом талабларига риоя этмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатларига, шунингдек банкнинг ички меъёрий хужаатларига асосан жавобгарликка тортилади.

Бошқарув аъзолари:

А. Муратов

А. Эшонқулов

Ғ. Абдурахманов

Ф. Гафуров

Э. Атабаев

ATB "Qishloq qurilish bank"  
ICHIKI ME'YORIY HUJJAT

100060 Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 18А-йй, тел/факс: +998(71) 150-76-73, yurist@qqb.uz

“9” июль 2020 йил

Тошкент ш.

### ЮРИДИК ХУЛОСА

Юридик департамент томонидан янги таҳрирдаги “Акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк”нинг манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги низоми лойиҳаси хуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Мазкур Низом лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Адлия вазирлигидан 2000 йил 5 июлда 943-сон билан рўйхатдан ўтган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги, Адлия вазирлигидан 2015 йил 5 августда 2706-сон билан рўйхатдан ўтган “Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисида”ги Низомлари ва Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Ҳукумат комиссиясининг 2016 йил 11 февралдаги 02-02/1-187-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” фаолиятида манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келишининг олдини олиш ва низоли вазиятларни бартараф қилиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, Банк тизимида манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартибини белгилайди.

Мазкур ички меъёрий ҳужжат лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2000 йил 5 апрелда 916-сон билан давлат рўйхатига олинган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига кўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом ҳамда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ички меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари” талабларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

Мазкур ҳужжат лойиҳасини тасдиқлаш “АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, умумий йиғилиш ваколатига киради.

Юридик  
департамент бошлиғи

 Б. Джумаев

**АКЦИЯЛОРЛЫК ТИЖОРАТ БАНКИ  
“КИШЛОҚ КУРИЛШ БАНК” АКЦИЯЛОРЛАНЫНГ  
УМУМӢ ЙИГИЛИШИ**

Тошкент ш. А.Навоий күчасы, 18 А

2020 йил 10 июл, соат 10:00

Жойлаштырылган акциялар сони 15 557 065 844 лоттани ташкил килади.  
Умумӣ йигилиши катапаштан акциялорларнинг акционири сони 15 266 947 536  
донани ёхи жами жойлаштырылган акцияларнинг 98,19 фронтини ташкил килади.

**44-сөзли БА ЁНИМАДАН КҮЧИРМА**

14. Банкнинг ички мөйөрий хужжатларини күриб иккиси  
("Акциондорларнинг умумӣ йигилиши тӯргисидаги", "Банк Кузатув кепнапши  
тӯргисидаги", "Банк Бишкеки тӯргисидаги", "Тағриппи комиссии  
тӯргисидаги", "Ички назорат тӯргисидаги" ва "Манбаатлар карда-каршилиги  
каршилиги вактида харакат келиш тарби тарби тӯргисидаги"ни Низомлар)  
тӯргисидаги

А.Муратов, Бишкеки аязлари, Кузатув кепнапши аязлари ва Банк акциондорлари

**УМУМӢ ЙИГИЛИШ ҚАРОҚИЛАДИ:**

1. Банк Бишкеки раиси в.в.б. А.Муратовининг АТБ "Кишлек курилши  
банк" "Акциондорларнинг умумӣ йигилиши тӯргисидаги", "Банк Кузатув  
кеңгаши тӯргисидаги", "Банк Бишкеки тӯргисидаги", "Тағриппи комиссии  
тӯргисидаги", "Ички назорат тӯргисидаги" ва "Манбаатлар карда-каршилиги  
вактида харакат келиш тарби тарби тӯргисидаги"ни Низомларнинг япни  
тахриридаги лойихалари ишлаб чиқолталғанда хасидат ахбороти мэйлумот учун  
кабул килиниси.

2. Акциондорлар умумӣ йигилиши муҳокамасига кирилтаган:

- АТБ "Кишлек курилши банк" Акциондорларнинг умумӣ йигилиши  
тӯргисидаги Низом (япни таҳрирда);

- АТБ "Кишлек курилши банк" Банк Кузатув кепнапши тӯргисидаги Низом  
(япни таҳрирда);

- АТБ "Кишлек курилши банк" Банк Бишкеки тӯргисидаги Низом  
(япни таҳрирда);

- АТБ "Кишлек курилши банк" Тағтиш комиссии тӯргисидаги Низом  
(япни таҳрирда);

- АТБ "Кишлек курилши банк" Ички назорат тӯргисидаги Низом  
(япни таҳрирда);

- АТБ "Кишлек курилши банк" "Манбаатлар карда-каршилиги" вактида  
харакет келиш тарби тӯргисидаги Низом (япни таҳрирда) ишолалрга муноффик  
тасдиқласын ва мазкур хужжатлар банк акциондорлари Умумӣ йигилиши  
томонидан тасдиқланган салада бошлаб амалга кирилтиси.


3. Банк Бишкеки, Кузатув кепнапши аязлари тағтиш комиссии аязларига банк  
фаолиятини юритиш ва учи бишкеки амалга кирилтган Низомлар ассоцияни ши  
тапкил килиш вазифаси юктасин.

4. Банкнинг Аудиторлик кўмитаси ва Ички аудит бишкеки аязларига ташкилданлагат  
текширувандарда банкнинг ички мөйөрий-хужжатларига тўлиқ риоҳ  
клиниципни ўрганиб борсин.

Раҳслек кўлувчи  
Ж.Абдушукров

Котоб

А.Абдулаев



Ж.Абдушукров

